

Адл ила олам юзин обод қил!

Куч-адолатда

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2023 йил
18 август,
жума,
№ 37 (967)



Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 августа куни расмий машриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қозогистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – ташки ишлар вазири Мурат Нуртлеуни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Қозогистон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, янги амалий

мазмун билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида ташки ишлар вазири Мурат Нуртлеу давлатимиз раҳбарига Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилларини етказди.

Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда иккى томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани, жумладан, парламентлар, ҳукуматлар, ҳу-

дудий маъмуриятлар, жамоатчилик ва тадбиркорлар даражасида сермахсул мулокотлар амалга оширилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Кўшма Ҳукуматлараро комиссия ва Ишчи гурӯҳ самарали фаолият юритмоқда. Товар айрбошаша ҳамми кўпайиб, иккى мамлакат етакчи корхоналари ўртасидаги кооперацияни кўллами кенгаймоқда. Маданий-гуманинтар тадбирлар мунтазам ўтказиб

борилмоқда.

Учрашувда сиёсий мулокотларни янада фаоллаштириш, иктисолидётнинг стратегик тармоқларидаги лойиҳаларни жадаллаштириш, гуманинтар алмашинув дастурларини кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничилик ва шерикликни мустаҳкамлаш чораларини кўришга алоҳида ётибор қаратилди.

ЎЗА

Жамиятимиз мақсади

Конституциявий НАЗОРАТ:

унинг ўзига хос ҳусусиятлари
нималардан иборат?

2022-26 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда адолат ҳамда қонун устуворлиги тамоилиларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириши устувор йўналишларидан бирни сифатида белгиланган.



Бунда қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияяга мувофиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу масаланини ваколатли орган томонидан текширилиши ва баҳоланиши конституциявий назорат ҳисобланниб, у орқали Конституциянинг устуворлиги таъминланади.

Дунёда конституциявий назоратнинг турии моделлари мавжуд бўлиб, АҚШ, Канада ва бошқа давлатларда конституциявий назорат умумий суд тизимига юқлатилган. Аксарият Европа давлатлари, шу жумладан, мамлакатимизда конституциявий

назорат махсус суд органи – Конституциявий суд томонидан амалга оширилади.

Конституциявий судни ташкил этиш ҳамда фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги Конституциявий қонунда ўз ифодасини топган.

Асосий қонунимизнинг 132-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд қонун қарарувчи ва ижро этувчи хокими ҳуҷжатларининг Конституцияяга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради. (Давоми 2-бетда) ►



Шу кунларда ҳалқимиз Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз иккى ўшиллиги байрамини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Зоро, бу қутлуғ айём – янги тарихимиздаги энг улуғ санадир.

Бундан 32 йил муқаддам – 1991 йил 31 август куни ҳалқимиз ўз Ватани, тақдиди ва келажагига ўзи ёғалик қилиш ҳуқуқини кўлга киритди. Дунё ҳаритасида Ўзбекистон Республикаси – янги суверен ва мустақил давлат пайдо бўлди.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида ҳалқимизнинг фидокорона мөхнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, қадими тархимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадирят ва аъньяналаримиз қайта тикланди. Давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамкамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам кўйиб, бар-

ча соҳа ва тармоқлarda туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, демократик янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эрkin ва фаровон ҳаётни, буюк келажакни фақат мустақиллик асосидагина куриш мумкинлигини кўрсатди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, ҳуқусан, янгилangan Конституциямизнинг қабул қилиниши эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислоҳотларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаб келаётгани-

нинг яққол ифодасидир.

Айниқса, иктисолидёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва тадбиркорликка кенг ўйл очиш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни кискартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қышлоқларимизни обод қилиш, юртимизнинг ҳалқаро миқёсдаги обрў-этиборини юқсалтириш йўлида эришаётган натижаларимиз тобора яққол намоён бўлмоқда. (Давоми 2-бетда) ►

«Инсон, жамият, давлат» деган эзгу гоя Конституция ва қонунларимизда ўзининг теран ифодасини топгани, шунингдек, янинг ҳаётимизга чуқур сингдирилаётгани ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир кишининг қалбida фахр-иiftihor туйгуларини уйтотади.

Айниқса, мансабдор шахслар юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларга ўзини даҳдор деб билмоғи керак. Ихтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида раҳбар ходимининг фаровонлиги, ташки-

Жиноят ва жазо

Ҳалолликда ҳикмат бор нафс қутқусига берилиш муқаррар жавобгарликка сабаб бўлади

лотчи ва ташабbusкорлиги, ўз вазифаси, давлат ва жамоат мулкига ҳалол муносабатда бўлиши, ҳар жиҳатдан ибрат-намуна кўрсатиши юртимиз равнақига муносиб хисса бўлиб қўшилади.

Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимиз иктисолидётнинг жадал тараққий этиши, аҳоли турмуш фаровонлиги кескин юқсалishiни раҳбар ходимларининг меҳнати ва фаоли-

саъй-ҳаракатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо гуруч курмаксиз бўлмагани каби баъзан ўз манфаатини ўзгалирлар манфаатидан устун кўядинг кимсалар ҳам учраб туради. Иктисолидёт соҳасидаги жинояларга кўл урган шахсларга нисбатан судлар томонидан қонуний ва адолатли жазо тайинланниб, жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда. (Давоми 2-бетда) ►



Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг яшаш шароитлари ҳамда ҳаётти фаровонлигини таъминлаш борасида кенг кўлмали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашинг самарали институтларидан бирни бўлган адвокатуранинг ўрини ва мавқени оширишга алоҳида ётибор қаратилмоқда.

Моҳият

Адвокатлар тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартиришлар
мамлакатимизда ҳуқуқ ҳимоячилари сонининг ошишига хизмат қиласди



Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг қирк учинчи ялпи мажлисида «Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун мухоммада қилингани мухим аҳамиятга эга. Сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланган ушбу қонунда адвокатурани ривожлантиришга қаратилган бир қатор мухим ўзгаришлар назарда тутилмоқда. (Давоми 3-бетда) ►

Янги руҳи: Мутолаа эҳтиёжи

Имкониятлар КАЛИТИ



Китоб – одамзоднинг энг буюк кашфиётларидан бири. Ҳар қандай жамиятнинг тараққиётни китобхонлик дараёжаси билан чамбарчас бўғлиқ, Бинобарин, мутолаа сув ва ҳаводек зарур бўлган энг мухим ҳаётий эҳтиёждир. У муваффақият ва саодат эшикларини очувчи имкониятлар калити ҳисобланади. Бунга ҳаётдан ёсуда кўп мисоллар келтириш мумкин. (Давоми 3-бетда) ►

Қонун қўмаги

**Барҳам топган низо
мехнат ҳуқуқлари бузилган ходим
суд томонидан ишга тикланди**



Мамлакатимиз Конституциясида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турни эрkin танлаш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланни ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган.

Ҳусусан, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиленади. Ушбу конституциявий ҳуқуқлар амалдаги меҳнат қонунчилигига ҳам ўз ифодасини топган. Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ҳаётни бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади. (Давоми 2-бетда) ►



Моҳият

Адвокатлар тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартиришлар мамлакатимизда ҳуқуқ ҳимоячилари сонининг ошишига хизмат қиласди

◀(Бошланиши 1-бетда)

Сўнгги йилларда юртимизда адвокатура институти ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш, суд ишини юритишнинг барча боскичларida тарафларнинг тортишув принципи асосида ишларни ташкил этишига қартилган мухим чора-тадбирлар кўрилди. Адвокатларнинг ўз профессионал фаолиятини эркин амалга ошириши учун дунё андозалари талабига жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди.

Шу билан бирга адвокат мақомига эга бўлиш ҳамда адвокатурага ишга қабул қилиш тартиб-таомилини янада соддалаштириш, шунингдек, адвокатлик фаолиятини шунгунда шуғулланыш ҳуқуқига доир лицензияни олиш тартибини енгиллаштириш зарурати зоғага келди.

Бу борада айрим статистик рақамларга мурожаат қиласак: мамлакатимизда умумий хисобда ҳар 7,6 мин-

аҳоли вакилига атиги 1 нафар адвокат тўғри кельмоқда. Халқаро стандартларга қўйслаганда, ушбу кўрсаткич жуда паст ҳисобланади.

Масалан, Истроилда 136, Италияда 265, Германияда 499, Россияда 1 минг 870, Қозогистонда 3 минг 932 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади.

Янги қонун айнан шу масаланинг ҳуқуқий ечими сифатида ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, адвокатлик фаолияти билан шуғулланыш ҳуқуқига доир лицензияни олиш учун имтиҳон топширишга талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камиди икки йиллик иш стажига эга бўлиши тўғрисидаги талаб бекор қилинмоқда.

Үрни келганда яна шуни айтиш жоизи, жорий йил 17 июнда матбуотда эълон қилинган "Давлат хисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида" ги қонун ҳам аҳолининг ўзтиёжманд қатламига малақали юридик

ёрдам кўрсатилишини кафолатлади. Қонун тўлиқ ишлаши учун эса биринчи навбатда малақали адвокатлар зарур.

Бундан ташкири юртимизда тадбиркорлар сони кун сайн ортиб бормоқда. Табиити, иқтисод-шартномавий муносабатлар ҳам жадаллашмоқда. Бундай шароитда малақали ҳуқуқий хизматларга бўлган ўзтиёж ҳам ортиб боради.

Шу билан бирга адвокатура институти жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши йўлида ҳали талай муаммолар бор. Бинобарин, "Адвокатура тўғрисида" ги қонунга киритилётган ўзгартиришнинг мухимлиги шундаки, сода килиб айтганда, соҳадаги жиддий тўсиқлардан бирни олиб ташланмоқда.

Мазкур янги қонунни ишлаб чиқиша БМТ ва бошқа халқаро ташкитларнинг тавсиялари инобатга олинган. Германия, Франция, Қозогис-

тон ҳам каби хорижий давлатларнинг адвокат мақомига эга бўлиш соҳасидаги илғор тажрибаси ҳам ўрганилган.

Ушбу янги қонун адвокатура соҳасининг жозибадорлигини ошириш, Ўзбекистонда ҳуқуқ ҳимоячилари, адвокатлар сонининг ошиши билан бирга олий ўқув юртини тамомлаган ёш кадрларни иш билан таъминлашга хизмат қиласди.

Эн асосиси, "Инсон қадри учун" тамоили асосида амалга оширилётган ушбу исполотлар Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумъетироф этилган нормаларида белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминлаш, инсоннинг ҳаёти, дахлизилиги, қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

Янги руҳи: Мутолаа эҳтиёжи

Имкониятлар КАЛИТИ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Судьялик фаолиятида ҳам китоб мутолааси ўта мухим ўрин тутади. Судья доимий равишида китоб мутолаа қилиши зарур. Ҳуш, ҳозирда судьялар қандай китобларни ўқимоқда? Уларнинг китобхонлик, мутолаага муносабати қандай? Бўлгуси ва ёш ҳамкасларига қайси китобларни ўқишни тавсия қилишади? Бу каби саволларга жавоб топши мақсадидо "Мутолаа эҳтиёжи" деб номланган янги руҳи ташкил этишга қарор қилдик. Унда судьяларнинг китоблар ва китобхонликка оид фикр-мулоҳазалари, тақлиф ҳамда тавсиялари эълон қилиб борилади. Қуйидаги уларнинг дастлабкиси билан танишасиз.



Жамол ЧОРИЕВ,

Олий суд судьяси. Ўзбекистон Судьялар клуби бошкарувчиси

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай низони ҳал қилиш, адолатли ҳуқумчириши судьядан аввало катта билим, тажриба ва юксак маънавияти талаб этади. Факатина қонунларни ўқиш ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш ва вазиятни тўғри баҳолаш учун кифоя эмас. Судьянинг китобхонлиги аввали унинг фикрларини доирасини кенгайтиради, муаммо ечими ни топшида тўғри йўл тутиши, ўзи касбига ҳалоллик ва поклини билан ёндашишига ёрдам беради. Китоб мутолаши судьянинг маданияти, маънавияти инсон бўлиб шаклланishi гаровидир. Чунки судьялик



зам равишида давлат малақа ошириш тизимидаги қайта тайёргарлиқдан ўтиши кераклигига оид қоидалар белгилаб кўйилган. Зотан, судьянинг китоб мутолаа қилиб турниши унинг нафакат профессионал касбий маҳоратини, балки жамиятдаги мавқеининг ортиши, фуқаролар билан мумомала маданиятини юксалиши, нутқ маданияти ва сўз бойлигини кенгайтишига ёрдам беради.

Шу кунпарда мен ёзувчи Набижон Боқийнинг "Қизил тошбўрон" ҳужжатлари романини ўқияпман. Ушбу асар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишилланган.

Маълумки, Ҳамза Ҳакимзода ҳақида жамаотчиликда турли тасаввурлар шаклланган: кимдир уни қизил империяга хизмат қилган шахс, бошқалар фидой маърифатпарвар сифатида ўтироф этиади. "Қизил тошбўрон" романида архив ҳужжатлари асосида зиддияти шахс ҳақидаги ҳақиқатларни бадий усолда баён этилган. Асар тили равон, ўкувчини зериктирайди, завъ билан ўқилгани учун ҳамкасларимга уни ўқиб чиқишни тавсия қиласман.


Жиноятга жазо муқаррар

Фирибгарликдан тийилмаган аёл яна жиноят

Навоий шаҳрида яшовчи Гулнора Ходиева (исм-шариғлар ўзгартирилган) бу йил йигирма беш ёшга тўлди. Аммо у тугилган кунини оиласи, яқинлари даврасида эмас, балки жазони ижро этиши муассасасида ўтказди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Хикмат бор



нафс қутқусига
берилиш муқаррар
жавобгарликка
сабаб бўлади

мulkни яна гаровга қўйиб, "Қишлоққурилишбанк"нинг Янгибод тумани филиалидан "Қўхна замин курилиш" корхонасида 2021 йил 15 декабрдаги 396-сонли кредит шартномасига асоссан олтмиш ой муддатга йиллик йигирма фоиз устама тўлаш шарти билан қурилиш моллари ишлаб чиқариш ускунаси ҳамда ушбу банк баландида бўлган Даштобод шахридаги мактабгача таълим муассаси биносини сотиб олиш мақсадида 4 миллиард сўм мактобидан кредит маблағи олишига ўтказди.

Бўёгини сўрасангиз, у кредит маблағининг 2 миллиард 100 миллион сўмiga мактабгача таълим муассаси биносини сотиб олади. Кредитнинг 1 миллиард 300 миллион сўмими "Candy Cream Fruit" корхонасида бетон ва шлакаблок ишлаб чиқариш ускуналари, 600 миллион сўмими "Uvaugrahmatziyo Delicious" фирмасига ускуналарни сотиб олиши учун ўтказади.

Шундан сўнг айерликда пихни ёрган Ш.Маматкулов ускуналар олиб келингани ҳақида ҳисоб-фактураларни соҳталашибир, банкка тақдим этади. Аслида ускуналарни олиб келиш ўрнига маблағни нақдлашибир, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборади.

Устига устак расмийлашибир, соҳта ҳисоб-фактураларга асосан кирим қилинган ускуналар реализациясига солиқ идорасига тақдим қилмасдан 247 миллион 826,1 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлади.

Бу орада Ш.Маматкулов танишлари И.Хужакулов, Т.Ўроқов ва Ҳ.Пардаевнинг масжид қурилиши учун ер майдони кидирагётганидан хабар топади ва бундан гарасли мақсади ўйлида фойдаланишини кўзлаиди. Янни гаровга қўйилган "Қўхна замин курилиш" корхонаси binolari жойлашган ҳудудни масжид қурилиши учун ажратиш, кадастр ҳужжатларини кейинрок тайёрлаб берисини айтиб, маҳалла дошларининг 25 минг АҚШ долларини кўлга киради.

Айтиш керакки, қонун талабига кўра, тақиқ солинган ёки гаровга қўйилган мулкни ўзлашибир, нобуд қилиш мутлако мумкин эмас. Бундай ҳаракат жиноятни оқибатларни келтириб чиқаради. Мўйам пул топишни истаги Ш.Маматкуловни яна жиноятга кўл уришга ўндейди. У "Қўхна замин курилиш" корхонаси ҳудудидаги гаровда турган бино-иншоотларни бузиб, қурилиши материалларини ҳам сотиб юборади.

Албатта, Ш.Маматкуловни кильмешлар жазосиз қолмади. Биринчи босқич суди судланувчи Ш.Маматкуловни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-кисми "а" банди, 228-модда-

си 2-кисми "а" банди, 184-моддаси 3-кисми, 167-моддаси 3-кисми "а" банди ва 233-моддаси билан айбдор деб топиб, ўн йил икки ой муддатга озодликдан махрум қилиш жазосини тайинлади.

Яқинда Ш.Маматкуловга оид жиноятни иши апелляция судида ҳам кўриб чиқилди. Аниқландикни, биринчи босқич суди иш тафсилотларини тўғри баҳолаб, Ш.Маматкуловнинг айби исботланганни ҳақида асосли хуносага келган. Жиноят оқибатидаги етказилган моддий зарар қопланмаган. Шу сабабли суд хукми билан судланувчи Ш.Маматкуловдан давлат, банк ва жабрланувчилар фойдасига етказилган зарарни ундириш белгиланган.

Апелляция судлов ҳайъати юқоридаги ҳолатлар судланувчи Ш.Маматкуловнинг шикоятидаги енгиллик бериш тўғрисидаги важлари асоссиз эканлигини кўрсатади, деган хуносага келди. Шу боси биринчи босқич судининг хукми ўзгаришиз, апелляция шикоятини қоноатлантиришисиз қолдириди.

Хуносага ўрнида шуни таъкидлаш жоизи, ҳар икки судланувчи ҳарчандан нафсида эрк берган бўлса-да, қонун жавобгарликдан кочиб кутупломади. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Ўтқир ЖУМАЕВ,

Жиззах вилояти суди раиси

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,

"Куч - адолатда" мухбири

Тарих тилсими

БЮОК САРКАРДА ЖАСОРАТИ

Жоюд Төмур Малик Баҳодир

Улуг ажадодларимизнинг Ватан озодлиги, юрт ҳимояси йўлида кўрсатган тенгисиз жасорати, мардлиги ва шижаоти жаҳон миқёсида маълуму машҳур бўлган. Айниқса, мўгул босқинчилари қарши қурашда буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди билан бир сафда турган, аёвсиз эсангларда тенгисиз жасорат намуналарини кўрсатган Темур Малик номи ҳам шонли тарихимиз саҳифаларига мангу муҳрланган.

Темур Маликнинг мўгул босқинчилари қарши қурашда кўрсатган тенгисиз жасорати, ғанимга қарши моҳирлик билан кўллаган ҳарбий усуслари тилдан-тилга ўтиб, бутун дунёга достон бўлган.

Бу ҳақда кўплаб таникли тарихчилар эътирофларини ёзиб қолдирган. Ўтган асрнинг бошларида яшаган атоқли маърифатпарвар Ислом Гаспринский ҳам Темур Малик кўрсатган жасоратдан ҳайратга тушиб, ўз фикрларини баён этган. Куйида ушбу мақолани эътиборингизга ҳавола этишини лозим топдик.

1220 йил Чингизхон кўшинлари Қорақумдан кечиб, тўфон сели каби Туркистонни босмоқда ва ёмоқда эди. Буларга кўра, жуда оз бўлган турк фирқалари уларга қарши тура олмай ё баходирона талаф бўлмоқда ёки чор-ночор ортга кетмоқда эди. Мўғул кўшинлари иккى кўл бўлиб, бири Ҳоразм, бошкаси Самарқанд устига келмоқда эди.

Бу иккичи кўл кўшиннинг Олок Нўён ила Субутўй Буга бошчилигидаги фирқалари Сирдарё нахри бўйидаги Хўжанд қалъасига келиб, таслим талаб этдилар. Қалъа беги Темур Малик эди. Душманга рад жавобини берди. Олтмиш минг мўғул шаҳар-

ни қамалга олди ва Темур Малик кўлида бўлган беш минг аскари билан мудофаага тутиуни. Хўжанднинг уч тарафи сув билан ўралган, шу сабабли душманнинг бир кисми шаҳарнинг қалъасига якин келган холда қалъани қарши тарафида бўлишига мажбур эди.

Темур Малик аскарнинг зиёдасини қалъа муҳофазасига тайин қилиб, жузъий аскар билан сув устидан душманга хужум уюштириди. Бу хужум билан беш-олти юз баҳодирни кирк-эллик минглик душман қўшинига қарши қўйди!

Замонлар ўқ ва қилич замони эди. Темур Малик йигирмата катта қайиқ ясатиб, қайиқларнинг четларини

балчикка буланган кигизлардан инсон бўйи қадар тўсиқлар қилди. Ушбу кигизларда тухум сингудек тешиклар қолдирган эди. Ҳар бир қайиқа йигирма-уттиз ўчки миндириб, нахрнинг душман бўлган кирғогига

яқин келиб, кигиз тешикларидан ўқ ёғдирар ва душманни сув четидан қочираб, сол ё кўпрак қурилишига имкон бермас эди. Душман ўқлари кигиздан ўтмас ва ўтган ҳолда ҳам баҳодирларга зиён етказмас эди.

Шу тартибда шаҳарнинг уч тарафини оз аскар билан жиддий суратда мудофаа қилиб, қолган кисми билан шаҳарнинг тупроқ ва қалъа жиҳатини муҳофaza

қилар эди. Бу тадбирлар билан анча вақт олтмиш минг мўғулни олдинга қадам бостиради. Сув тарафидан шаҳарни олиш мумкин эмаслигини англаган мўғуллар бор кувватларини қалъа тарафига ташладилар.

Темур Малик аскарларининг ўқ ва қиличидан мўғуллар ҳар қанча қирисларда, битмас-туғанмас бўлганларидан, Хўжанднинг холи тобора оғирлашмокда эди. Охирни Темур Маликнинг аскари шу қадар кам қолдики, бошқа қаршилик қилишга ҳоли қолмади. Таслим кунлари яқинлашди. Лекин Темур Малик таслим бўладиган баҳодирлардан эмас эди.

Қалъанинг таслим вақти

келгanda, Темур Малик юқорида баён қилинган усолда етмиш қадар кигизли қайиқлар ҳозирлаб, қолган аскари ва лозим ашёсини буларга юклаб, Сирдарё бўйлаб чекина бошлади. Бу чекиниш тарихи ҳарбда мисли кўрилмаган бир чекинишидир.

Сувнинг икки тарафидан мингларча душман от кўйиб, ёмғир каби ўқ ёғдирганинди ҳолда буларнинг юздан бирича ҳам бўлмаган Темур Малик аскарлари кигиз сипарлар орқасидан уларга қаршилик кўрсатганча, сув орқали саломат чекинмоқда эдилар.

Ниҳоят, муносиб бир маҳалда кирғоқча чиқиб, Темур Малик қарши келган душман фирмасини енгил, соғ қолган орқадошлари билан Хоразмга саломат келишидир. Бир ҳовув ва хужумда беш-олти юзгина бўлган Темур Малик баҳодирларининг бу чекиниши янада машҳур тутилмоги лозимдур.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Буюклик қирралари



КОЙИЛМАҚОМ ТОПҚИРЛИК МАШХУРЛАР ҲАЁТИДАН ҲАНГОМАЛАР

Энрико Карузо биринчи марта Америкага келгандага журналистлар уни ўраб олади. Улардан бири хонандадан сўрайди:

– Италия ва Америка ўртасидаги савдо алоқалари ҳакида нима дея оласиз?

– Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, – дейди хонанда бироз хижолат бўлиб. – Лекин ишончим комилки, нима демократияни эртага чиқадиган газеталардан ўқиб, билиб оларман.

* * *

Ўртамиёна бир физик Альберт Эйнштейнга "ҳамкасб" дея мурожаат қиласди.

– Ростданми? – дейди олим ҳайратланиб. – Сиз билан ҳамкасмизми? Нима, сиз ҳам бод касалидан азоб чекасизми?

* * *

Машҳур адаби Марк Твен оқшом уйига қайтаётган эди. Пастқам бир жойда номаълум киши уни тўхтатиб, кўксига тўп-понча тирайди:

– Соатни чиқар!

Ёзувчи қароқчига синчилкаб тикилади:

– Соатни ўтган ҳафта олгансиз!

– Кечирасиз, – дейди қароқчи, – бу орада янгисини олган бўлсангиз керак деб ўйловдим.

* * *

Француз адаби Андре Моруадан бир дўсти сўради:

– Қани айт-чи, тарихни ким кўпроқ ўзгартирди? Цезарми ёки Наполеон?

Моруа шундай жавоб қиласди:

– Цивилизация пайдо бўлгандан буён тарихни энг кўп ўзгартирган шахслар – тарихчиларидир!..

* * *

Альберт Эйнштейн "Нисбийлик назарияси"ни яратгач, дунёга машҳур бўлиб кетади. Олимни ҳалқаро анжуманлар, университетларга мъярзуза ўқиши учун таклиф этишиди. Ҳар куни янги назария бўйича мъярзуза ўқилади.

Бир куни олимнинг ҳайдовчиси шундай дейди: – Жаноб, шу қадар кўп мъярзуза ўқияпизки, шу назариянгиз ҳатто менга ҳам ёд бўлиб кетди.

– Унда кейинги гал маърузани ўзинг ўқийсан! – дейди олим.

Дарҳақиқат, ҳайдовчи университетда мъярзузи қойил қилиб ўқийди. Минбардан тушаётганда тингловчилардан бири ногоҳ унга савол бериб қолади. Шунда ҳайдовчи ўзини йўқотмайди, топқирик қиласди:

– Саволингизнинг жавоби шу қадар оддийки, буни ҳатто ҳайдовчим ҳам билади, – дейи Эйнштейнни кўрсатади.

* * *

Машҳур врач Сергей Боткин Петербург ҳарбий-тиббиёт академиясида дарс берарди. Кунлардан бир кун у танбал талабани учинчи марта имтиҳондан "йиқитади". Танбалнинг дўстлари профессорга учрашиб, талабанинг аҳволи оғирлигини, бёқиши омадсизликдан изтироб чекиб, алам устида ўзини жонига қасд қилмоқчи эканини айтишади.

– Ортиқа ташвишланманглар! – дейди профессор. – У одам анатомиясини яхши билмайди, шу боис пичоқ санчиш учун юрагиниам тополмайди.

* * *

Француз физиги Поль Ланжевен фаннинг жамики мураккаб масалалари ҳакида ҳаммабон қилиб гапира олиши билан машҳур эди. Бир гал у Француз Фанлар академиясида қойилмақом мъярзуза ўқийди. Ҳамкаслари мъярзудан кейин олимни ўраб олиб, бу қадар содда, тушунарли гапира олишининг сир-асорини сўрашади.

– Э, ҳаммаси жуда оддий, – дейа жавоб қиласди физик. – Мен гапираётib, тингловчилар орасидан анқовроқ бир кишига қараб, то у тушунгандай бўлгунича гапиравераман. Тамом-васалом!

Шу маҳал Ланжевенниң ёнига Фанлар академиясининг президенти келади:

– Сизни табриклиман, ҳамкасб! Фақат тушунмадим, нега гапираётганингизда мендан кўз узмадингиз?

* * *

Америкадаги кинофирмалардан бири машҳур инглиз сиёсий арбоби Уинстон Черчилл ҳакида фильм яратмоқчи бўлади. Фильмда олтмиш ёшли арбобнинг ҳаёт ўйнаничилини лозим эди. Черчилл ролини ижро этиш саксон ёшли актёр Чарлз Клофтонга топширилди. Бу рол ижроси учун актёр тархончаликни ўйнайдиган Черчилл шундай иddaо қиласди:

– Биринчидан, ролини ўйнайдиган бу одам ҳаддан зиёд сеним, иккичидан, жуда қари. Учинчидан, бундай пулга ўзим ҳам ўзимни қойилмақом қилиб ўйнаб бера оламан!

Интернет материаллари асосида

Хумоюн МИРЗО тайёрлади.

Жиноятга жазо муқаррар

ФИРИБАРЛИКДАН ТИЙИЛМАГАН АЁЛ

ЯНА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Албатта, бу бежизга эмас, чунки у қилимишига яраша суд томонидан тайинланган жазони ўтаяти. Буёғини сурсасангиз, Г.Ходиева 2022 йил 1 июндаги 1-юнга оз эмас, нақ 6 марта суднинг қора курсисига ўтиришга "улгурди".

Икки нафар фарзанднинг онаси бўлган бу аёл дастлаб жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2022 йил 14 июндаги хукмига биноан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-кисми билан айборд деб топилиб, кодекснинг 70-моддаси тартибида жазодан озод қилинганди. Аслида бу бағрикенлик унга қилимишидан тегишили хулоса чиқарип олиш ва ҳаётда тўғри ўйлни топшиши учун берилган имконият эди. Аммо Г.Ходиева буни ҳаёлига ҳам келтиргади. Аниқроги, у яна фирибаглик қилимишини содир этгани боис иккичи марта суднинг қора курсисига ўтириди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2022 йил 17 августандаги хукмни билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-кисми "б" банди билан айборд деб топилиб, кодекснинг 57-59, 60 ва 62-моддалари тартибида жарима жазолари тайинланган. Аммо у бу жазоларни ўтамай туриб, олтинчи фирибаглиги фош



гап шундаки, Г.Ходиева 2022 йилнинг август ойи охирларидан "Telegram" ижтимоий тармоғида "Gold Brilliant" номли гурӯҳ очиб, Туркия давлатидан келтириган аёллар тилла тақинчоқларини арzon нархларда муддатли тўлов эвазига сотиши хусусида эълон беради. Натижада ҳаридорлар унга мурожаат қила бошлайди. Дастлаб Лайло Маҳмараҳимова унга алоқага чиқади. Шунда Г.Ходиева ўзининг "Gizem" номли профилида у билан гаплашиб, баҳоси 636 АҚШ долларилик тилла тақинчоқларни буюртма асосида етказиб берishiни айтади.

— Факат бошланғич тўлов сифатида олдиндан юз эллик доллар тўлайсиз. Қолганини бир йил давомида ойма-ой тўлаб бораверасиз, — дейди у.

Л.Маҳмараҳимова унинг таклифига рози бўлади. Шу боис 2022 йил 1 ва 2 сентябрь кунлари 1.650.000 сўмни унинг пластик картасига ўтказиб беради. Аммо тиллофурушоним ваъдасининг устидан чиқмайди, алдов йўли билан кўлга киритган маблагни шаҳсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

Шундан сўнг Г.Ходиева Зулайҳо Султоновани алдайди. Яъни 2022 йил 21 сентябрь куни 3.Султонованинг ишончига кириб, Туркияда ишлаб чи